

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РЕЖАББОЕВ НУРИЛЛО АБДУЛБОҚИЕВИЧ

**СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТУРКИСТОНДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ
СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ
(1917 – 1924 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

УДК 94 (575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Режаббоев Нурилло Абдулбоқиевич

Совет ҳокимиятининг Туркистондаги озиқ -овқат сиёсати ва унинг
оқибатлари (1917–1924 йй.).....3

Режаббоев Нурилло Абдулбоқиевич

Продовольственная политика советской власти в Туркестане и ее
последствия (1917 – 1924 гг.)25

Rejabboev Nurillo Adulboqievich

Soviet government's food policy in Turkestan and its outcomes (1917 – 1924)
.....50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 54

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РЕЖАББОЕВ НУРИЛЛО АБДУЛБОҚИЕВИЧ

**СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТУРКИСТОНДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ
СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ
(1917 – 1924 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Таг 98 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Расулов Абдулла Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий тақризчилар:

Ражабов Қахрамон Кенжаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Саидов Илхомжон Мухиддинович
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Таг.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория.) Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: наука@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй.Бош бино).Тел.: (99871) 236-46-55, факс: (99871) 246-02-04).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____даги ___ - рақамли реестр баённомаси)

А.А.Маврулов
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Д.Ж.Ураков
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

Г.А.Агзамова
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Инсониятнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи кундалик ҳаётнинг ажралмас бир қисмига айланган. Озиқ-овқат муаммолари бўлиб турган ва бундай ҳолат ҳозирга кунда ҳам дунёнинг у ёки бу минтақаларида кўзга ташланади. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) маълумотига кўра, бугунги кунда 842 миллион киши доимий озиқ-овқат етишмовчилиги ҳамда сурункали очликдан азият чекмоқда¹. Ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий соҳадаги режаларни ҳаётга татбиқ этиши озиқ-овқат таъминоти билан узвий боғлиқ. Ер юзи аҳолисининг тобора кўпайиб бораётганлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун сув ресурсларининг чекланганлиги туфайли мазкур муаммони ҳал этиш масаласи йилдан-йилга долзарб бўлиб бормоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжларининг ўсишдан ортда қолмоқда. Бундай ҳолатлар, айниқса, тегишли имкониятлари кам бўлган мамлакат ва минтақаларда чуқурлашиб бормоқда. Шунингдек, йирик давлатларда аҳоли даромадларининг ортиб бориши, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг янада кўпайишга олиб келмоқда. Бу эса, танланган мавзунинг долзарблигига асос бўла олади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши, яъни Ҳаракатлар стратегиясида республикада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг интенсив усуллари орқали экин майдонларини оптималлаштириш вазифалари белгилаб берилган². Дастурда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, уни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2000 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилга келиб 16,8 фоизга пасайган³. Бу, аввало, давлатнинг озиқ-овқат сиёсатида режали дастурларининг амалий ифодаси саналади. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласида жиддий муаммолар йўқ. Аммо аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган меъёрдаги эҳтиёжини аниқлаш, рацион асосида кундалик калорияли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва бу борадаги ишларда хавфсизлик ҳамда экологик тоза маҳсулотларни тайёрлаш каби муаммоларни инкор этиб бўлмайди. Табиий ва тупроқ-иқлим шароити уйғунлиги мутаносиб бўлган Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида аҳолининг озиқ-овқат таъминоти борасида мураккаб, зиддиятли жараёнлар бўлган.

¹FAO. The State of Food and Agriculture, 2013: Food Systems for Better Nutrition. Rome: Food and Agriculture Organization of the United Nations; 2013.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1-илловасида келтирилган “2017–2021- йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» // <http://strategy.regulation.gov.uz>

³2017 – 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. – Тошкент: Маънавият, 2017. – Б. 220.

Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон тарихи соҳасидаги тадқиқотларни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- 2562-сон, 2017 йил 7 февралдаги “2107–2021- йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ- 3015-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”¹ги 940-сон Қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда илмий-амалий жиҳатдан муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзусига оид адабиётларни даврий ва услубий ёндашув жиҳатидан уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1. Совет даври адабиётлари. 2. Мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар. 3. Хорижий адабиётлар.

Биринчи гуруҳга кирувчи адабиётлар орасида XX асрнинг 1917-1941 йилларида яратилган Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Мустафо Чўқай, Аҳмад Заки Валидий каби миллий тараққийпарварлар² ва Т. Рискулов, Н. Тўракулов (Дервиш) сингари миллий коммунистлар³ ҳамда Марказдан юборилган большевик Г. Сафаровнинг тадқиқотлари алоҳида ўрин тутди⁴. Мазкур адабиётларда озиқ-овқат муаммолари, нарх-наво, очларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласига ҳам эътибор қаратилган.

Т. Рискулов Туркистондаги иқтисодий вазият, хусусан, Фарғона вилоятидаги вазиятнинг оғирлашуви, умуман, ўлкада озиқ-овқат танқислиги оқибатида аҳоли ўртасида ғалла етишмовчилиги кескинлашганини ёзган. У ўлкада очарчиликка қарши кураш марказий комиссияси (ОҚК МК) фаолияти

¹ www.gov.uz.

² Бехбудий М. Қарорнома // Хуррият. – №6. – 1917 йил 16 июль; Ўша муаллиф: Таҳрири нуфус Русияда (Аҳолини рўйхатга олиш) // Хуррият. – №18. – 1917 йил 25 июнь; Ўша муаллиф: Очлик балоси // Хуррият. – №41. – 1917 йил 26 сентябрь; Ўша муаллиф: Ғалла, аскарлик, ер ва тазминоти ҳарбия // Мехнаткашлар товуши. – №14. – 1918 йил 2 август.

³ Дервиш. Ферганская проблема // Военная мысль. Книга. – №2. – Ташкент., 1921. – С. 108–118; Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана (Сборник главнейших статей, докладов, речей и тезисов). Часть I. 1917–1919. – Ташкент.: Узбекское государственное издательство, 1925. – 218 с.;

⁴ Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). – Москва: Госполитиздат, 1921. – 360 с.;

билан боғлиқ муаммо ва уларнинг ечими билан боғлиқ масалаларга ҳам ўз муносабатини билдирган.

Мустафо Чўқай томонидан Туркистонда озиқ-овқат муаммоларини бартараф этиш билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Г. Сафаров ўз китобида 1917–1918 йилларда келтирилган ғаллани асосан ўлкада истиқомат қилаётган русийзабон аҳоли ўртасида тақсимланганлиги, мусулмон камбағаллари эса амалда ғалладан маҳрум бўлганлиги очарчилик туфайли ўлиб кетганлигини ёзади. Совет ҳокимияти озиқ-овқат таъминоти ишларида Туркистоннинг маҳаллий ва европалик аҳолисига нисбатан тафовутли ёндашганлигини қайд этган.

Юқорида келтирилган адабиётлар Туркистонда совет ҳокимиятининг озиқ-овқат сиёсатини ўрганишда дастлабки асарлар бўлиб, уларнинг муаллифлари воқеа-ҳодисаларнинг бевосита иштирокчилари ва гувоҳи бўлгани билан муҳим ҳам аҳамиятга эга.

XX асрнинг 50-80-йилларида А.Зевелев, Р.Аминова, И.Алимов, Л.Яковенко, Р.Нуруллин, А.Хон, Ф.Набиев ва бошқаларнинг ёзган китоблари¹ ҳамда П.Тугов, А.Рахимов, С.Тилекулов, А.Абулкасимовларнинг тадқиқотларида², совет ҳокимиятининг Туркистондаги озиқ-овқат сиёсатига оид кўплаб маълумотлар учрайди. Мазкур адабиётларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, улар асосан коммунистик мафкура таъсири остида, хусусан, бир томонлама қараш, совет ҳокимиятининг “ғамхўрлиги”, “байналмидал ёрдам”, озиқ-овқат сиёсатида партиянинг ролини ошириб кўрсатилган. Шунингдек, хронологик жиҳатдан қисқа бир даврни ўрганилган бўлса-да, совет ҳокимиятининг озиқ-овқат сиёсатини алоҳида илмий ўрганиш объекти сифатида таҳлил этилмаган. Масалан, П. Туговнинг тадқиқотида Муваққат ҳукумат ва большевикларнинг ғалла учун курашлари, озиқ-овқат органлари фаолияти ҳамда озиқ-овқат развёрсткаси масалалари

¹Зевелев А.И. Из истории гражданской войны в Узбекистане. – Ташкент.: Государственное издательство Узбекской ССР, 1950; Давлят-Юсупов М.Х. Союз «Кошчи» и его роль в укреплении Советской власти в Туркестане (1919–1924 гг.). – Ташкент., 1956; Орузбаев А., Джунушев С., Мансурходжаев С. Народное хозяйство Киргизии в период Октябрьской революции, гражданской войны и иностранной интервенции (1917–1920 гг.). – Фрунзе: Изд-во АН КиргССР, 1962; Аминова Р. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917–1920 гг.). – Ташкент.: Изд-во АН УзССР, 1963; Алимов И. Узбекское дехканства на пути к социализму. Социально-экономические преобразования в узбекском кишлаке в 1921–1925 гг. – Ташкент.: Узбекистан, 1974; Бейсембаев С., Кульбаев С. Турар Рыскулов. – Алма-Ата:Казахстан, 1974; Яковенко Л. Продовольственная политика Коммунистической партии и её осуществление в Туркестане (1918–1924 гг.). – Душанбе:Ирфон, 1974; Нуруллин Р. Борьба Компартии Туркестана за осуществление политики «военного коммунизма». – Ташкент.: Узбекистан, 1975; Устинов В. Служение народу (партийная и государственная деятельность Т.Рыскулова). – Алма-Ата: Казахстан, 1984; Хон А. Деятельность Коммунистической партии по осуществлению новой экономической политики.– Ташкент.: Фан, 1986; Набиев Ф.Социалистическое строительство в Узбекистане в годы гражданской войны(1918–1920 гг.). – Ташкент.: Фан, 1989.

²Тугов П.Продовольственный вопрос в Казахстане в период Октябрьской революции и гражданской войны (1917–1920 гг.). Автореф. дисс. на соиск. учен.степ. канд. ист. наук. – Алма-Ата, 1958.– 15 с.; Рахимов А. Мобилизация продовольственных ресурсов в Туркестане в период иностранной военной интервенции и гражданской войны (1918–1921 гг.). Дисс... канд. ист. наук. – Ташкент., 1961.– 321с.;Тилекулов С. Политика “Военного коммунизма” и ее осуществление в советском Туркестане. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. ист. наук. –Ташкент., 1968. – 27с. ;Абулкасымов А.Деятельностипартийных организации Туркестана по осуществление хозяйственной и продовольственной политики коммунистической партии в 1918–1919 гг (на материалах Сырдарьинской, Самаркандской и Ферганской областей). Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. ист. наук. – Киев, 1978. – 19с.

ёритилган бўлса, А. Раҳимовнинг диссертациясида эса асосан фуқаролар уруши ва чет эл интервенцияси йилларида озиқ-овқат тайёрлаш ишлари, галла монополиясига тайёргарлик ва қизил армиянинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши каби масалалар ёритилган. И. Яковенко тадқиқотида асосий эътиборни Туркистонда коммунистик партиянинг озиқ-овқат диктатураси ва развёрсткаси ҳамда очарчиликка қарши курашдаги ролига қаратган.

Тадқиқотнинг **иккинчи гуруҳига** оид мустақиллик даврида ёзилган илмий изланишлар ташкил этади. Ўзбекистоннинг совет даври тарихи ёритилган фундаментал тадқиқотлар ва коллектив монографияларда Туркистонда озиқ-овқат сиёсати ва унинг оқибатлари масалалари ҳам бериб ўтилган¹. Бу муаммони алоҳида ўрганган В. Семенюта ва М. Раҳматовлартадқиқотлари² ҳамда Туркистон тарихининг мазкур даврини ўз ичига олган бошқа изланишларда ҳам совет ҳокимияти озиқ-овқат сиёсатининг айрим жиҳатлари ёритилди³. Масалан, В. Семенюта тадқиқотида

¹Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: М.Жўраев. – Тошкент.: Шарқ, 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р. Раджапова. – Ташкент.: Шарқ, 2000; Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Тошкент.: Шарқ, 2001; Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917–1939 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев., М.Раҳимов.,Қ.Ражабов. – Тошкент.: O'zbekiston, 2019.

²Семенюта В. Опыт решения продовольственного вопроса в Туркестане в первые годы советской власти (1917–1920 гг). Дисс. канд. ист. наук. – Ташкент., 1991; Раҳматов М. Туркистондаги очарчилик ва унинг оқибатлари (1917–1924 йй.). Тарих фан.бўйича фал.доктори (PhD) дисс. – Тошкент., 2019; Ўша муаллиф Туркистон АССРда озиқ-овқат тўпловчи отрядлар фаолиятдан // Турон тарихи. – 2013; Ўша муаллиф: Туркистонда озиқ-овқат соҳасидаги танкисликлар // ЎзМУ хабарлари. – 2015. – № 1/2;

³Ражабов Қ. Турор Рискуловнинг таржимаи холи // Саодат. – 1992. –№5–6; Ўша муаллиф: Туркистонда очарчилик ва унинг оқибатлари // Туркистон. – 2001 йил 28 ноябрь; Ўша муаллиф: Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918–1924 гг.) Автореф. дисс.... докт. ист. наук. – Ташкент, 2005. – 66 с; Ўша муаллиф: Фарғона водийсидаги истиклолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918–1924 йиллар). – Тошкент.: Yangi nashr, 2015; Набиев Ф. Проблемы и противоречия социальной политики в Туркестане (1917–1924 гг). Дисс. докт. ист. наук. – Ташкент., 1995; Агзамходжаев С. Туркистон мухторияти: борьба за свободу и независимость (1917–1918 гг.): Автореф. дисс.... докт. ист. наук. – Ташкент, 1996. – 62 с; Абдуллаев Р. Национальные политические организации Туркестана в 1917–1918 годы. Автореф. дисс.... докт. ист. наук. – Ташкент, 1998. – 62 с; Расулов А. Саховат саҳифалари // Тафаккур. – 1999. – №4; Ўша муаллиф: Och holda ochlarni boqqanlar // Тафаккур. – 2004. – №4; Ўша муаллиф; Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи (1917–1924 йй.). Тарих фан. док. дисс. – Тошкент., 2005; Ўша муаллиф: Туркистон халқи бағрикенглиги. – Тошкент.: Yangi nashr, 2011; Ўша муаллиф: Туркистон ва Россия халқлари ўртасидаги муносабатлар. – Тошкент.: Turon-iqbol, 2017; Ўша муаллиф: Türkistan ve İdil-Ural Halkları Arasındaki İlişkiler (1917–1924), Ankara, 2017; Ўша муаллиф: Фарғона вилояти аҳолисининг Россия очларига кўрсатган ёрдами (1921–1923 йй) / “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. – Фарғона, 2019; Ҳайдаров М. Туркистонда совет ҳокимиятининг марказлаштириш сиёсати оқибатлари (1917–1924 йиллар). Тарих фан. номз. дисс. – Т., 1998; Ўша муаллиф; Туркистон иқтисодиётида “ҳарбий коммунизм” сиёсати // O'zbekiston tarixi. – 2003, – №3; Ўша муаллиф; Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917–1941 йиллар). – Тошкент.: Abu matbuot-konsalt, 2012; Алимова Д., Голованов А. Ўзбекистон мустақил совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари (1917–1990 йй.). – Тошкент.: Ўзбекистон, 2000; Мингнарлов А. Туркистондаги миллий озодлик ҳаракати масалалари давр миллий матбуотида (1917 йил февраль – 1918 йил ўрталари), Тарих фан. номз. дисс. – Тошкент., 2000; Голованов А., Саидов И. Политическое противоборство по национально-государственному самоопределению узбекского народа (1917–1920 гг.). 2-изд. – Самарканд: СамГУ, 2005; Ерметов А. Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918–1924 йй.) Тарих фан. номз. дисс. – Тошкент., 2006; Шодманова С. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917–1924). – Тошкент.: Адабиёт учқунлари, 2015; Мўминова Г. Ўзбекистонда соғлиқни

озик-овқат тақчиллигини бартараф этиш ишлари, Туркистонда озиқ-овқат тайёрлаш органлари ҳамда аҳоли ўртасида озиқ-овқат тақсимоти масалаларига тўхталиб ўтган. Тадқиқотчи бу борада ўз даври учун салмоқли ишни амалга оширган бўлса-да, мазкур ишнинг хронологик даври 1917–1920 йиллар билан чекланган. Қ. Ражабов тадқиқотларида Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий жараёнларни ёритишда озиқ-овқат масалаларига ҳам тўхталиб ўтган. А. Расуловнинг тадқиқоти Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги ўзаро алоқаларда озиқ-овқат масалаларининг ҳал этилишига бағишланган бўлса, М. Раҳматовнинг тадқиқот ишида эса озиқ-овқат ташкилотлари фаолияти ва бу борада амалга оширган чора-тадбирларга эътибор қаратилган. Аммо юқорида қайд этилган тадқиқотларда совет ҳокимиятининг Туркистондаги озиқ-овқат сиёсати алоҳида ўрганиш объекти қилиб олинмаган.

Тадқиқотнинг **учинчи гуруҳига** оид илмий изланишлар совет ҳокимиятининг озиқ-овқат сиёсатини ўрганишга қаратилган. Масалан, В. Петрович, М. Куделя-Одабашьян, Т. Даудов, И. Эшчанова, Ф. Ҳамидовларнинг тадқиқотлари¹ ҳамда И. Мамадалиев, А. Давидов, Е. Прудникова, И. Чигирин, Т. Журтбай, Д. Верхотуров асарлари² ва бошқа фундаментал тадқиқотларда³ совет ҳокимиятининг озиқ-овқат сиёсатига доир маълумотлар мавжуд. Ушбу маълумотларнинг аксариятида Туркистон АССР худуди тадқиқот объекти сифатида олинмаган бўлса-да, мавзуни ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, бу асарлар тадқиқот жараёнида Россиянинг марказий ҳудудларидаги озиқ-овқат сиёсати таҳлил этилган. Шунингдек, Э. Карр, Р. Пайпс ва Р. Киндлерларнинг асарларини келтириб ўтиш мумкин⁴. Хорижлик тадқиқотчилар совет давлатидаги ижтимоий-

сақлаш тизими тарихи (1917–1991 йй). – Тошкент.: Yangi nashr, 2015; Мансуров У. 1917–1924 йилларда Фарғона водийси шаҳарлари тарихи. Тарих фан. бўйича фал. доктори (PhD) дисс. – Тошкент., 2018 ва б.

¹ Петрович В. Продовольственная политика в Узбекистане и её осуществление в 1917–1941 гг. Автореф. дисс. на соиск.учен. степ.канд.ист.наук. – Саратов, 1997. – 28с.; Куделя-Одабашьян М. Туркестан в составе Советской России: Проблемы социально-экономического и политического развития, октябрь 1917 г. – октябрь 1924 г. Автореф. дисс. на соиск. учен.степ. докт.ист.наук. – М., 2001. – 19с.; Даудов Т. Туркестан в условиях восстановления народного хозяйства Советского государства в 1921–1924 гг. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. ист. наук. – М., 2006. – 19с.; Эшчанова И. Дехканская политика советской власти в Туркестане в 1917–1920 гг. по материалам узбекских районов. Автореф. дисс. на соиск. учен.степ. канд. ист. наук. – М., 2008. – 23с.; Хамидов Ф. Аграрные преобразования в Таджикистане в 20-е годы XX века. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. ист. наук. – Душанбе, 2010. – 23 с.

² Мамадалиев И. Из история помощи Туркестанской АССР голодающему населению Поволжья (1921–1923 гг.). – Худжанд, 2003; Давыдов А. Мешочники и диктатура в России. 1917–1921 гг. – Алетейя, 2007; Мустафа Шоқай-Шығармарынын толық жинағы. Он екі томдық. Екінші том. – Алматы: Дайк-Пресс, 2012; Прудникова Е. А. Битва за хлеб. От продрозверстки до коллективизации. – М.: Вече, 2019; Прудникова Е. А., Чигирин И. И. Мифология голодомора. – М.: Вече, 2019; Верхотуров В. Сталинская коллективизация. Борьба за хлеб. – М.: Вече, 2019.

³ История таджикского народа. Том V. Новейшая история (1917–1941 гг.) / Под редакцией академика академии наук Республики Таджикистан Р. М. Масова.). – Душанбе, 2004; История западного Казахстана. В двух томах. – Актобе, 2006; Батыс Қазақстан тарихы. История западного Казахстана. В двух томах. – Актобе, 2006;

⁴ Карр Э. Большевицкая революция 1917–1923. Том 1. – М.: Прогрес, 1990; Ўша муаллиф: Русская революция от Ленина до Сталина (1917–1929 гг.). – М.: Интер-Версо, 1990; Пайпс Р. Русская революция: Россия под большевиками 1918–1924 гг. 3-том. – Москва., 2005; Кидлер Р. Сталинское кочевники: власть и голод в Казахстане. – М., 2017.

иқтисодий вазият, хусусан, “ҳарбий коммунизм”, фуқаролар уруши, янги иқтисодий сиёсат ҳамда бошқа жараёнлар таҳлилида мавзуга оид айрим маълумотлар келтирилганлар.

Диссертация тадқиқоти бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши республикада олиб борилаётган Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш билан боғлиқ концептуал вазифалардан келиб чиқиб, Наманган давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқ режа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади совет ҳокимиятининг Туркистондаги озиқ-овқат сиёсатини юритиши, таҳлили, мазмун моҳияти ҳамда оқибатларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари мавзу юзасидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар қўйилди:

- Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгунига қадар юзага келган озиқ-овқат муаммоларини таҳлил этиш;

- Марказ ва Туркистон ўртасидаги темир йўл алоқаларининг вақтинчалик узилишини ўлкадаги озиқ-овқат таъминотига таъсири, большевикларнинг бу борада озиқ-овқат тақчиллигига барҳам беришга оид амалий чора-тадбирларини ёритиб бериш;

- илк бор озиқ-овқат сиёсатида большевиклар томонидан кўрилган ноанъанавий тадбирлар, совет ҳокимиятининг дастлабки йиллардаги эркин савдонинг тақиқлаши ва Овқатланиш пунктлари фаолиятини ёритиб бериш;

- ўлка аҳолиси таъминотида озиқ-овқат паёқларининг жорий этилиши ва унинг синфий хусусияти ҳамда озиқ-овқатга оид солиқ сиёсатидан кўзланган мақсадни аниқлаш;

- ғалла монополиясининг жорий этилиши натижалари ҳамда аҳоли ихтиёридаги озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олиш учун ташкил этилган озиқ-овқат ишчи отрядлари фаолиятини ёритиб бериш;

- озиқ-овқат тақчиллигига қарши курашиш учун ташкил этилган очарчиликка қарши кураш марказий комиссияси (ОҚК МК) ҳамда очарчилик оқибатларини тугатиш марказий комиссияси (ООТ МК)нинг ўлка очлари таъминотидаги фаолиятини ёритиш;

- тадқиқ этилаётган мавзу юзасидан тегишли тартибда хулоса чиқариш ҳамда илмий-амалий аҳамият касб этган тавсиялар беришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг объекти совет ҳокимиятининг 1917–1924 йиллар оралиғида Туркистондаги озиқ-овқат сиёсатини ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг предмети эса 1917–1924 йилларда Туркистонда озиқ-овқат тақчиллиги ва уни бартараф этиш усуллари, Овқатланиш пунктлари, очарчиликка қарши қарши курашиш комиссиялари фаолияти, озиқ-овқат солиғи ва паёқлари ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда тарих фанида қабул қилинган хронологик таҳлил, ўзаро қиёслаш, тизимлилик, тарихийлик ҳамда холислик тамойилларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилигини қуйидагилардан иборат:

Туркистонда озиқ-овқат тақчиллиги собиқ совет ҳокимияти учун Россия империяси ва Муваққат ҳукуматдан мерос сифатида ўтган ҳолда большевиклар ҳукуматининг дастлабки йилларида ушбу муаммони камайтиришда жиддий синовларга дуч келганлиги, натижада бу борадаги муаммолар ҳарбий-сиёсий масала даражасида ҳал қилинганлиги аниқланди;

Туркистоннинг озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлари бўйича Марказга қарамлиги ҳудудда 1917-1924 йилларда озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини ортишига имкон яратиб, аммо бу масалада большевиклар марказий ҳукумати ва унинг жойлардаги масъул вакиллариининг иложсизлиги ва муаммо ечими йўлида тизимли фаолият олиб борилмагани минтақада вазиятнинг янада кескинлашувига олиб келганлиги очиб берилган;

собиқсовет ҳокимиятининг Туркистонда озиқ-овқат тақчиллигини бартараф этиш учун турли комиссияларни ташкил этиб, муаммони камайтиришга ҳаракат қилиши жараёнида ушбу комиссиялар тизимли фаолият юрита олмаганлиги ва етарли моддий таъминотга ҳам эга бўлмаганлиги боис очларга кўрсатилаётган озиқ-овқат ёрдами аҳолининг маълум бир қисминигина қамраб олган бўлиб, амалда Туркистоннинг чекка қишлоқлари ва тоғ, тоғ олди ҳудудларидаги аҳолининг таъминоти тақдир тақозосига ташлаб қўйилганлиги аниқланди;

ташкил этилган озиқ-овқат отрядлари фаолияти асосан аҳоли кўлидаги ғалла ва бошқа маҳсулотларни тортиб олишга қаратилиб, озиқ-овқат масаласидаги солиқ ишлари оғир шароитда кун кўраётган аҳолини янада талон-тарож қилишга имкон бериши баробарида солиқларни камайтиришга қаратилган совет ҳокимиятининг турли қарор ва чора-тадбирлари кутилган самарани бермаганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

-тадқиқот натижаларидан Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг “Тарих” бўлими манбаларини бойитиш ҳамда Олий таълимнинг магистратура талабалари учун махсус курсларни тайёрлашда фойдаланилди;

-тадқиқотда Туркистонда совет ҳокимиятининг озиқ-овқат муаммосига оид кўплаб архив ҳужжатлари ва бошқа бирламчи маълумотлар илк бор илмий муомалага киритилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда тарих фанида бугунги кунда амалда фойдаланилаётган назарий ёндашув ҳамда услубларнинг қўлланилганлиги, архив манбаларга бойлиги, хусусан, Ўз МАНинг 15 та, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари архивларида сақланаётган 7 та фонд материалларига асосланганлиги, хулосаларнинг мавжудлиги, диссертация маълумотларидан амалиётда фойдаланилаётганлиги ҳамда буни тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти Туркистонда совет ҳокимиятининг озиқ-овқат

сиёсати мазмун-моҳияти, иқтисодий сиёсатнинг ўлка халқ хўжалигига таъсири тўғрисида илмий-назарий билимларни янада тўлдиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нафақат Ўзбекистон, балки МДХ республикаларнинг совет даври тарихини ёритишда, тарихий билимларни ривожлантиришда, барча таълим муассасаларида Ўзбекистон тарихи фанидан ўқув қўлланма, дарслик ва бошқа қўшимча адабиётлар яратишда ҳамда ўқув дастурларини тайёрлашда хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Советҳокимиятининг Туркистондаги озиқ-овқат сиёсати ва унинг оқибатлари (1917-1924 йй.) тадқиқот иши давомида олинган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Туркистонда совет ҳокимиятининг озиқ-овқат сиёсатига доир архив хужжатлари: совет ҳокимиятининг бу борадаги қарорлари, очарчиликка қарши кураш комиссиясининг ташкил этилиши ҳамда ушбу комиссия таркиби ва унинг бўлимларини акс эттирувчи жадвал, озиқ-овқат паёқлари, озиқ-овқат тақсимотига доир хужжатлар ва улар асосида олинган илмий натижалар Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг “Тарих” бўлими манбаларини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 25 декабридаги 01-11-08-8834- сонли далолатномаси). Тадқиқот натижаларининг қўлланилиши совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида озиқ-овқат муаммоси ва очарчилик оқибатлари ҳақида музейга ташриф буюрувчиларнинг тасаввурлари ҳамда тарихий билимларининг ошишига ёрдам беради.

Тадқиқот ишида илгари сурилган илмий-назарий хулоса ва натижаларидан 5A120301 – Ўзбекистон тарихи магистратура таълим мутахассислиги учун мўлжалланган “Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва толерантлик”, “Ўзбекистон мустамлака ва совет мустабид тузуми шароитида” номли махсус курсларни тайёрлашда, 2012 йилда ҳаммуаллифликда нашр этилган “Туркистонда очларга ёрдам кўрсатиш марказий комиссияси фаолияти” номли монографияда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 12 апрелидаги 89-03-1394- сонли далолатномаси). Унда Туркистонда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, хусусан, большевикларнинг ўлкадаги озиқ-овқат муаммоси ечимида кўрган чора-тадбирлари, шунингдек, ўлкадан Волгабўйи ва Уралолди ҳудудлари халқларига кўрсатилган озиқ-овқат ва бошқа ёрдамлар: эвакуация ва оч-қочоқ тарикасида келганларга бошпана, кийим-кечак билан таъминлашда кўрсатилган саховат, бағрикенглик намуналари очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий мазмуни, натижа ва хулосалари бўйича жами 22 (1 та монография ҳаммуаллифликда) иш нашр этилган. Шундан ЎзР ВМ Олий аттестация

комиссиясининг докторлик диссертацияси асосий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган нашрларда 7 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий қисми 153 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Туркистонда озиқ-овқат муаммолари: зиддият ва ечимлар”** деб номланган биринчи бобида Муваққат ҳукумат ҳамда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларда озиқ-овқат муаммолари ва уни бартараф этишда саъй-ҳаракатлар, Россиянинг марказий губернияларидан озиқ-овқат маҳсулотларини келтиришдаги муаммолар ҳамда совет ҳокимиятининг юзага келган озиқ-овқат тақчиллигига қарши амалий чора-тадбирлари ёритилган.

Россиянинг Биринчи жаҳон уруши (1914-1918)даги иштироки туфайли мамлакатда донли экинлар экилиши қисқариб, Туркистонга ғалла келтириш ниҳоятда камайиб кетди. Охир-оқибатда бу нарх-навонинг кескин ўсиб кетишига, нон ва нон маҳсулотларининг етишмовчилигига олиб келди. Хусусан, 1916 йилга келиб ғалла нархи 1915 йилга нисбатан 300 фоизга ўсиб кетди¹. 1917 йил мартада тузилган Авлиёта озиқ-овқат кўмитаси шаҳар аҳолиси таъминоти учун 1917 йил июнига қадар 16069 пуд ғалла олди. 1917 йил сентябрида Авлиёта шаҳрининг 24 минг аҳолиси учун 13 вагон ғалла бериш кўзда тутилган бўлса-да, маҳаллий аҳоли 1917 йил 15 августидан 17 октябрга қадар Озиқ-овқат кўмитаси томонидан ҳеч қандай ғалла билан таъминланмаган. Аммо, айти пайтда рус аҳолиси, жуда оз бўлса-да, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турилган². 1917 йил 4 февралда Каспийорти вилоятида Россиянинг тайёрлов районларидан ғалла ва ун келтириш жуда камайиб кетганлиги учун ғаллага қатъий нарх белгилаш зарур деб топилган. Шу пайтда Каспийорти вилояти аҳолиси учун 1767862 пуд ғалла етишмас эди³.

1917 йил июнидаги маълумотга кўра Оренбургдан Туркистонга 200 минг пуд ғалла, июль ойи учун Кавказ, Самара, Оренбург, Тўрғайдан 550 минг пуд ғалла, 550 минг пуд маккажўхори келтириш кўзда тутилган⁴. 1917 йил 20-21 июнь кунлари Туркистондан Екатеринбург, Ставрополь, Тбилиси ва Омскка телеграммалар юборилиб, унда озиқ-овқат таъминоти оғир

¹ Чориев З. Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари (1916-1917 йй.) - Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 29-30.

² Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА), Р-31-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 296-варақ.

³ ЎзМА, Р-31-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 403-варақ, 404-варақ орқаси.

⁴ Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА), 121-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 61-варақ.

аҳволда эканлиги қайд этилган¹. Тошкент уезди вакиллариغا 1917 йилнинг 25 ноябрида Самара губернияси ва Сибирдан 5 минг пуд, 29 ноябрида Россия ва Кавказдан 2 минг пуд ҳамда 1917 йил декабрь ойида 3 минг пуд ғалла келтириш топширилган².

Туркистонда озиқ-овқат тақчиллигига қарши уюшган ҳолда сабъ-ҳаракатлар Муваққат ҳукумат давридаёқ кўзга ташланди. 1917 йил 25 мартда ғаллага давлат монополиясини жорий этилиши, ортиқча ғаллани яшириш ва экин майдонини қискартиришга олиб келди³. 1917 йил 20 апрелида Туркистон қишлоқ хўжалиги жамияти президенти Р.Р. Шредер оч аҳоли учун озиқ-овқат тайёрлаш ва унинг тақсимоти бўйича тегишли чоратadbирлар уютириш ишларини, тузиладиган махсус “Очарчиликка қарши кураш ва боқувчисизлик” (“Очарчилик кўмитаси”) комиссиясига топшириш кераклигини таклиф этди. Мажлис комиссиянинг 15 пунктдан иборат вазифасини белгилади ҳамда 1917 йил 27 апрелида мажлисида 7 пунктдан иборат озиқ-овқат муаммоси ечими бўйича кўшимча қарор қабул қилди⁴.

Туркистонда озиқ-овқат ташкилотларини ташкил этиш 1917 йил декабрдан 1918 йил апрелига қадар давом этди. 1918 йил 15 январидида деҳқон депутатлари фавқулодда ўлка съезди очарчиликка қарши кураш ҳақида мурожаатнома қабул қилган⁵, Туркистон ХКК ҳузурида озиқ-овқат бўлими очилиб, унга катта ваколатлар берилди. Аммо кўрилаётган таadbирлар озиқ-овқат тақчиллигини камайтириш учун мутлақо етарли эмаслиги боис, 1918 йил 21 июнда Туркистон соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги қошида очларга ёрдам кўрсатиш бўлими очилди⁶. Ўз навбатида, Туркистонда МИҚ ва ХКК томонидан “Туркистонда очларга ёрдамни ташкил этиш” режаси ишлаб чиқилган⁷. Совет ҳокимияти томонидан 1918 йил июнь-июль ойларида очларга ёрдам кўрсатишни уюштиришга оид кўрсатмалар берилиб, ўлка Озиқ-овқат Директорияси ташкил этилди⁸. 1918 йил 16 августидида Туркистон ХКК буйруғига кўра, ғаллакорлар республика бозорларида нон ва нон маҳсулотларини озиқ-овқат ташкилотлари томонидан берилган “Рухсатнома” асосида сотишларига рухсат берилди⁹.

Туркистон МИҚнинг 1918 йил 20 ноябрда бўлиб ўтган мажлисида Т.Рисқулов, 1918 йил май ойидан очарчиликка қарши уюшган ҳолда олиб борилаётган кураш ўзини оқламагани ва у ўз олдига қўйган мақсадига эриша

¹ЎзМА, Р-31-фонд, 1-рўйхат, 1^А-иш, 50- варақ

² Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар (1917-1924 йиллар) – Тошкент.: Университет, 2005.- Б. 38

³ Новейшая история России. Москва, АСТ. Астрель. ВКТ Владимир, 2007.- С.128-129

⁴ Айрим маълумотларда мазкур комиссия Туркистон қишлоқ хўжалик жамиятининг президенти Р. Шредер бошчилигидаги “Хайр-эхсон ташкилоти-оч қолганларга ёрдам бериш Туркистон жамоатчилик кенгаши” деб юритилиб, 1918 йилда ташкил топганлиги қайд этилади. Қаранг: “Фан ва турмуш”, № 11, 1991 йил.

⁵ Инсон ва сиёсат. № 12, 1991 йил, 73-79-бетлар.

⁶ Рахматов М.Ф. Туркистонда очарчилик ва унинг оқибатлари. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмийдаражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2019, 110-варақ; Қаранг: ЎзМА Р-17-фонд, 1-рўйхат, 171-иш, 47- 48-варақлар.

⁷ ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 171-иш, 47- 48-варақлар.

⁸ ЎзМА, Р-25-фонд, 1- рўйхат, 6- иш, 273-варақ.

⁹ ЎзМА, Р-25-фонд, 1- рўйхат, 44- иш, 9-варақ ва орқаси.

олмаганини таъкидлади¹. Туркистон МИҚнинг 1918 йил 26 ноябрдаги қарорига кўра, Туркистон МИҚ хузурида очарчиликка қарши кураш Марказий Комиссия (ОҚК МК) си тузилди². Мазкур комиссия Туркистон темир йўллари билан ҳамкорликда 1919 йил февралдан очларга ёрдам бериш бўйича, ҳар қандай поезд йўналишига 3 тадан “Темир йўл тез ёрдами” вагонларига очларни жойлаб, уларни энг яқиндаги Овқатланиш пунктларига етказган³. Умуман олганда, ОҚК МК 1919 йил 1 июнига қадар фаолият кўрсатиб, Туркистон МИҚнинг 1 июндаги буйруғи ва Туркистон ХККнинг 17 июндаги қарори билан Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши қошида ОҚК комиссия вақтинча бўлимига айлантирилган. 1921 йил 21 июлидан Туркистон МИҚ қошида очларга ёрдам Марказий комиссияси (ОЁ МК) ташкил топган ҳамда 1922 йил 11 июлида Волгабўйи очларига ёрдам комиссияси таркибига қўшиб юборилган⁴. Демак, қайд этиш лозимки, ОҚК комиссияси ўз фаолиятини амалда, 1918 йил 26 ноябрдан 1922 йил 11 июлига қадар олиб борган.

Муваққат ҳукумат ва совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида озиқ-овқат муаммоларини камайтириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш йўлидаги чора-тадбирлари етарли даражада бўлмади. Ташкил этилган турли жамият ва ташкилотлар муаммони бартараф эта олмаган бўлса-да, таъминот ишлари совет ҳокимиятининг бу борадаги сиёсатидан четда турмади.

“Туркистонда большевикларнинг озиқ-овқат сиёсатига оид амалий чора-тадбирлари” номли иккинчи бобида Туркистонда озиқ-овқат муаммоларини камайтириш мақсадида ташкил этилган Овқатланиш пунктлари, озиқ-овқат ишчи отрядларининг фаолияти, озиқ-овқат паёқлари ва таъминот ишларидаги ўзига хос хусусиятлар ҳамда совет ҳокимиятининг озиқ-овқат масалаларига оид солиқ сиёсати таҳлил қилинган.

Овқатланиш пунктларидаги очларни боқиш марказлашган таъминот орқали амалга оширишни тақозо этар эди. Аммо Туркистондаги барча очларни Овқатланиш пунктлари орқали боқиш ва уларни таъминлашнинг имконияти йўқ эди. Туркистон МИҚга 1918 йил 11 декабрида берилган маълумотга кўра, ўлкадаги Овқатланиш пунктларида ҳар куни расман ўртача 20021 нафар очлар озиқ-овқат билан таъминланган⁵. Тошкентда 1920 йил охирига келиб, 20 га яқин арзон ва бепул ошхоналар бор эди⁶. Овқатланиш пунктларига келадиганларга, хусусан, Қўқон, Андижон, Марғилон, Скобелев, Ўш шаҳарларидаги Овқатланиш пунктлари қошида очлар учун ётоқлар ҳам ташкил қилинган⁷. Овқатланиш пунктларидаги овқатлар

¹ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 1100-иш, 158-варақ орқаси.

²ЎзМА, Р-25-фонд, 1- рўйхат, 44-иш, 67-варақ.

³ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 197-иш, 25-25-варақ орқаси.

⁴ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 197 -иш, 39, 42- варақ; 1100-иш, 160-варақ; ФВДА, 435 - фонд, 1-рўйхат, 109-иш, 17-варақ.

⁵ Расулов А. Туркистон ва Россия халқлари ўртасидаги муносабатлар. -Тошкент.: TURON-IQBOL, 2016. - Б.21.

⁶ Семенюта В. Туркистонда 1917-1920- йиллардаги очарчилик // Инсон ва сиёсат. № 12, 1991 йил. - Б 77.

⁷ ФВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 43-варақ.

тўйимли бўлиши ва айни пайтда имкон даражасида арзонроққа тушиши таъкидланиб, уларга кунига: бир мартадан овқат (эрталаб ва кечкурун), қайноқ чой ёки сув, 16 золотникли¹ бир бўлак нон, бериш кўзда тутилган². Мавжуд маълумотларга кўра, Фарғона вилоятида очларга ёрдам кўрсатиш жараёни 39 та Овқатланиш пунктлари орқали амалга оширилган³. Биргина Наманган уезд-шаҳар қошидаги Овқатланиш пунктларида 1923 йил феврал ойида ҳар куни 670 нафарга яқин очлар озиқ-овқат билан таъминланган. 1923 йил октябридан 1924 йил октябрига қадар, Овқатланиш пунктларида киши бошига 1 фунтдан⁴ қуруқ нон билан таъминланган. Чунки Овқатланиш пунктларида емиш учун бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Кўриниб турибдики, Овқатланиш пунктларида ҳамма вақт ҳам белгиланган миқдордаги иссиқ озиқ-овқат бўлмай, кўп ҳолларда бу “Қуруқ нон ейиш пункти” бўлиб қолган.

Озиқ-овқат армияси Россия марказий губернияларидагина эмас, чекка-олис ҳудудларда ҳам интизомга асосланган ҳолда ташкил этилган. 1918 йил 15 июнида Озиқ-овқат армиясидагилар сони 2867 нафар бўлган бўлса, 1918 йил 23 июлига келиб уларнинг миқдори 10140 нафарни ташкил этган. Уларнинг 8 мингга яқини жойларга жўнатилиб, большевикларнинг озиқ-овқат сиёсатини ҳаётга татбиқ этган⁵. 1918 йилнинг ёзидаёқ, Туркистон республикасида озиқ-овқат халқ комиссарлиги ҳузурида озиқ-овқат отрядлари тузилиб, улар мажбурий равишда давлат ихтиёрига тортиб олиш билан шуғулланувчи махсус гуруҳга айланган⁶. Жойларда маҳаллий озиқ-овқат отрядлари ташкил қилиниб, улар тузилаётган ягона Озиқ-овқат армияси таркибига кирган. Одатда озиқ-овқат отрядлари шаҳар ишчилари ҳамда деҳқонларидан тузилган. 1920 йилдан бошлаб озиқ-овқат развёрсткасини маҳаллий деҳқонларга ҳам татбиқ қилинди. Бунинг учун ишчилардан 56 та ҳарбий озиқ-овқат отрядлари ташкил этилди. “Туркистонда 1920 йил 3-4 минг кишини ўз ичига олган 42 та “Ишчи озиқ-овқат отряд”лари фаолият олиб борди⁷. Озиқ-овқат тайёрлашни марказлаштириш, жойлардаги озиқ-овқат отрядлари устидан раҳбарлик назоратини кучайтириш мақсадида, 1920 йил 20 декабрида Ўлка ҳарбий-озиқ-овқат бюроси ташкил қилинган⁸. 1920 йил давомида озиқ-овқат отрядлари томонидан 22 млн пуд ғаллани тақсимотга асосан йиғиб олиниши кўзда тутилган бўлса-да, амалда бу 6 млн пуд ғаллани ташкил этганини қайд этилади. Умуман олганда, Туркистон бўйича 130 та озиқ-овқат отряди бўлиб,

¹Золотник-1 золотник= 1/96 фунт = 4,262. Қаранг: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 4-жилд. Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2002. -Б. 29.

²ЎзМА Р-25-фонд, 1-рўйхат, 197-иш, 1-2-варақлар ва орқаси.

³ФВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 174-иш, 14-16-варақлар.

⁴Фунт- (лот.pondus- вазн, оғирлик)- 1) англиз ўлчов тизимидаги асосий масса бирлиги.1 фунт=0,409512 кг =1қадоқ; 2) Рус ўлчов тизимида масса бирлиги:1 фунт=0,40951241 кг =1\40 пуд. Қаранг: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 9 -жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Тошкент, 2005. -Б. 340.

⁵ Прудникова Е.А. Битва за хлеб. От продразверстки до коллективизации. М.: “Вече”, 2019.- С.85

⁶ Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Тошкент.: Шарқ нашриёти-матбаа аксиядорлик компанияси. 2001. -Б.235.

⁷ Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения 1917-1937 гг.- Тошкент.: Фан, 1992. -С.44-45

⁸ Климов С. Военно-организаторская деятельность коммунистической партии в Средней Азии в 1917-1924 гг. Ташкент.: Узбекистан, 1987. - С. 51-52.

уларда 4550 нафар киши хизмат қилган¹. Туркистонда Ҳарбий озиқ-овқат ишчи отрядлари (ҲОИО) ўз фаолиятини юритар экан, ерли аҳоли манфаатлари, таъминоти масаласини олдинги ўринга олиб чиқмаган. Масалан, Қўқон уезида Ҳарбий озиқ-овқат ишчи отрядлари аҳоли томонидан озиқ-овқатни бир парча “тилхат” асосида, ҳарбий қисмни кўрсатмай, кўпинча тортиб олган озиқ-овқат маҳсулотини камайтириб, тилхат ўрнига бир парча қоғозга “Христ қайта туғилди”, “Янги йил билан” ва бошқа шу каби ёзувлар орқали берилган². Туркистон ХКК 1920 йил 31 декабрида “Ҳарбий-озиқ-овқат отрядлари”ни мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилган³. Умумлаштириб олганда, озиқ-овқат тақсимоотида ҲОИОлари Туркистонда 1920 йил августидан 1921 йил июлига қадар 12365770 минг пуд озиқ-овқат маҳсулотлари йиғиштириб олган бўлиб, унинг 40 фоизга яқинини ҳарбийлар таъминотига сарфланган⁴. 1920-1921 йилларда озиқ-овқат тақсимооти воситасида белгиланган 22 млн. 500 минг пуд ўрнига 9 млн. 700 минг пуд озиқ-овқат маҳсулотлари ва ем-хашак тортиб олинган⁵.

Илк бор 1917 йил 24 мартдан бошлаб нон олишга карточка жорий этилди. Нон карточкаси бўйича дастлаб киши бошига 1 фунтдан бериладиган бўлди. Агар 1917 йил июлига қадар озиқ-овқат карточкалари ҳар бир киши учун-якка тартибда бўлган бўлса, 1 июлдан бошлаб оилага, бир ойга ягона карточка бериладиган бўлди⁶. Совет ҳокимияти томонидан “Нон ёки озиқ-овқат карточкаси” жорий этилган⁷. Масалан, Тошкент шаҳридаги маҳаллалар учун май-июнь ойларига тарқатилган “нон карточка”лари 1918 йилнинг майида 106517 та, июнида 108272 тани ташкил этган⁸. Нон паёқлари, озиқ-овқат карточкалари билан аҳолининг ҳаммаси таъминланмаган ҳолда, озиқ-овқат карточкаларини сохталаштириш, йўқотиш, уни “алдов карточкаси”га айлантириш ҳоллари ҳам кўпайиб кетди⁹. Масалан, 1918 йил 15 ноябрида Қўқон Ҳарбий Инқилоб трибунали томонидан озиқ-овқат карточкаларини сохталаштирганларга 1 йилдан 3 йилгача қамоқ жазоси белгиланган¹⁰. Туркистон МИҚ 1919 йил 29 декабрида қизилармиячи қарамоғида меҳнатга яроқсизларнинг барчасини “Қизилармиячи паёғи” билан таъминланиши қайд этилган¹¹. 1919 йил 20 августдан қизилармиячилар оиласи учун Қизил Юлдуз озиқ-овқат карточкасини жорий этди¹². 1920 йил 18 августда Туркистон озиқ-овқат

¹ ЎзМА, Р-805 фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 116- варақ.

² ФВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 122-иш, 10- варақ.

³ ЎзМА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 250-иш, 252-варақ; Р-805-фонд, 1-рўйхат, 27-иш, 17-варақ.

⁴ Климов С. Военно-организаторская деятельность коммунистической партии в Средней Азии в 1917-1924 гг. - Ташкент.: Узбекистан, 1987. - С. 52.

⁵Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши.- Тошкент.: Шарқ, 2001, -Б. 227

⁶ Лейберов И.П., Рудаченко С.Д. Революция и хлеб. М.: Мысль, 1990.- С.115-116

⁷ Продовольственное дело (Ташкент), №1, 24- января 1918 г.

⁸ Продовольственное дело (Ташкент), № 30, 1- сентября 1918 г.

⁹ Голос Самарканда // № 80, 30 апреля, 1918 г.

¹⁰ Известия (Коканд), №45, 24 ноября, 1918 г.

¹¹ ЎзМА, Р-111-фонд, 1-рўйхат, 127-иш, 45- варақ.

¹² ЎзМА, Р-31-фонд, 1-рўйхат, 67-иш, 3-5 варақлар.

халқ комиссарлиги томонидан олимларга Академик паёк жорий этилган¹. Совет ҳокимияти томонидан озиқ-овқат карточкаларини жорий этилиши ҳам таъминотдаги муаммо ечимига хизмат қила олмади.

Совет ҳокимиятининг озиқ-овқат таъминотида ноанъанавий чора-тадбирни қопчи савдогарлар² мисолида ҳам таҳлил қилиш мумкин. 1917 йил йил охирларидан газеталарда қопчи савдогарлар фаолияти тўғрисида маълумотлар бера бошланди. Қопчи савдогарлар қишлоқма-қишлоқ юриб, деҳқонлардан озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиб, уларни қопларда шаҳарга олиб келиб, қимматига сотиш билан шуғуланганлар. Қопчи савдогарлар 1917-1922 йиллари давлат томонидан амалга ошириши керак бўлган, аммо айрим объектив ва субектив сабабларга кўра мазкур вазифаларни таъминлашда сусткашлик қилаётганликлари туфайли, бу вазифани ўз “зиммаси”га олган. Аввалига қопчи савдогарлик билан деҳқонлар шуғулланган бўлса, кейинчалик бу ишлар билан шуғулланувчилар ижтимоий қатлами кенгайиб кетди. Аммо 1918 йил 16 февралда Россия ХКК томонидан қопчи савдогарларга қарши кескин кураш эълон қилиниб, маҳаллий кенгаш ва барча темирўлчилар ташкилотларига қопчи савдогарларни ҳибсга олиш, улар томонидан қуролли қаршилик кўрсатган тақдирда, жойида отиб ташлаш бўйича кўрсатма берилди³. Туркистондан ҳам ғаллани қопчи савдогарлар орқали четга чиқиб кетишига йўл қўймаслик чора-тадбирлари кўрилди⁴.

1918 йил 2 августида Туркистон МИҚ ва ХКК томонидан ҳосилни фоиз тарзида Маҳсулот солиғи билан ажратиш ҳақида буйруқ эълон қилинди⁵. 1920 йил 9 мартда Туркистон МИҚ томонидан Ғалла маҳсулоти мажбурияти тўғрисидаги Декретига мувофиқ, Маҳсулот солиғи фақат мусулмонлар яшайдиган ҳудудлардан ундириладиган бўлди⁶. Барча хўжаликлар Маҳсулот солиғини тегишли миқдорда топшириши ҳамда мазкур солиғни фоиз ҳисобида ундириш белгиланди⁷. Маҳсулот солиғини жорий этишдан мақсад деҳқонларга ўзларининг ортикча маҳсулотларини ихтиёрий тарзда ишлатиш имконини бериш эди⁸. Туркистон МИҚ 1921 йил 20 сентябридаги қарорида солиқ тўлашдан бош тортган ёки ўз вақтида тўламайдиганларни ҳибсга олиш, Инқилоб трибунаliga топшириш, бошқа бир қатор ҳуқуқ ва ваколатлар берилди⁹. Туркистон ХККнинг 1921 йил 7

